# СОВЕТ ФАЗОКОРИГА БАЛЛИ!



Валерий Федорович БИКОВСКИЙ

## „ВОСТОК-5“ НИНГ ПАРВОЗИ

### *Уни Совет Иттифоқи граждани Валерий Федорович Биковский учирмоқда*

1963 йил 14 июнда Москва вақти билан соат 15 да Совет Иттифоқида «Восток-5» космик кемаси Ер йўлдоши орбитасига чиқарилди. «Восток-5» кемасини Совет Иттифоқи граждани космонавт учувчи подполковник ўртоқ Валерий Федорович Биковский бошқармоқда.

Космосга бу галги учишнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

— космик учиш турли факторларининг инсон организмига таъсирини ўрганишни давом эттириш;

— узоқ давом этадиган учиш шароитида кенгайтирилган медицина-биологик тадқиқотларни ўтказиш;

— бошқариладиган космик кеманинг системаларини янада яхшилаш ва такомиллаштириш.

«Восток-5» йўлдош кемаси мўлжаллanганига яқин орбитага чиқарилди. Дастлабки маълумотларга кўра, йўлдош кеманинг Ер атрофини айланиш даври 88,4 минутни ташкил этади, кеманинг Ер сатҳидан минимал узоқлашиши (перигейи) 181 километрга ва максимал узоқлашиши (апогейи) 235 километрга баравар, орбита текислигининг экватор текислигига нисбатан оғиш бурчаги 65 градусга яқин. «Восток-5» космик кемаси билан радио орқали узлуксиз икки томонлама алоқа қилиб турилибди.

Космонавт учувчи ўртоқ Биковскийнинг берган хабарларига ҳамда телеметрик ва телевизион системалар орқали олинган маълумотларга кўра, у, кемани орбитага чиқариш даврини ва вазнсизлик ҳолатига ўтишини қониқарли кечирган. Ўртоқ Биковский ўзини яхши ҳис қиляпти.

Космонавт учувчи ўртоқ Биковский ўз эшиттиришларини 20,006 ва 143,625 мегагерц частоталарда олиб бормоқда.

Кемада 19,948 мегагерц частотада ишлайдиган «Сигнал» передатчиги ҳам ўрнатилган.

Космик кема бортидаги ҳамма системалар нормал ишламоқда.

Учишнинг бориши тўғрисидаги ахборотлар Совет Иттифоқининг ҳамма радиостанциялари орқали эшиттириб туриладн.

**ТАСС АХБОРОТИ**


БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 117 (2408). | 15 июнь, шанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.


## БЕШИНЧИ КОСМОНАВТ ВАЛЕРИЙ ФЕДОРОВИЧ БИКОВСКИЙ

Валерий Федорович Биковский 1934 йилда Москва областининг Павлово-Посад шаҳрида туғилган. У ВЛКСМ аъзоси.

Космонавт ўн етти ёшидан бошлаб ўз тақдирини авиация билан боғлади. У, ўрта мактабда ўқиб юрганидаёқ айни вақтда Москва аэроклубини тамомлаб чиқди. Сўнгра Валерий учувчиларга дастлабки таълим берадиган авиация мактабида, Качинск ҳарбий авиация билим юртида ўқийди. Валерий бу билим юртини тамом қилганидан кейин 1955 йилда турли ҳарбий қисмларда учувчи бўлиб хизмат қилди.

Қўмондонлик Валерий Биковскийга яхши баҳо берди, унинг дадил, хатосиз учганини, учиш вақтида ўзини вазмин тутганини, мураккаб вазият юз берганида, тезлик билан бир қарорга келганлигини таъкидлайди. У, махсус машқларни муваффақиятли тугаллади, самолёт қисмларини жуда яхши билади. Валерий инструктор бўлиб ишлаганида ўз тажрибаси ва билимларини ўртоқларига моҳирлик билан ўргатиб турди. У, 72 марта парашют билан сакради.

В. Ф. Биковский Совет Армиясида яхши хизмат қилганлиги учун «Қизил Юлдуз» ордени, «СССР Қуролли Кучларининг 40 йиллиги» ва «Ҳалол хизмат қилганлик учун» медаллари билан мукофотланди. 1959 йилда унга «Иккинчи класс ҳарбий учувчи» унвони, кейинчалик эса «Ҳарбий-Ҳаво кучларининг парашют-десантга тайёрлаш инструктори» унвони берилди.

Подполковник В. Биковский Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясида муваффақиятли ўқимоқда.

Валерий Федорович Валентина Михайловна Биковскаяга уйланган. Валентина лаборант бўлиб ишлайди. Ўтган қишда улар ўғил кўрган.

Космонавтнинг отаси Федор Федотович Биковский пенсионер, онаси Клавдия Ивановна рўзғор ишлари билан шуғулланади, синглиси Маргарита Федоровна Михеева банкда экономист-инспектор бўлиб ишлайди. (ТАСС).

## КОСМОНАВТ В. Ф. БИКОВСКИЙНИНГ УЧИШ ОЛДИДАН ҚИЛГАН БАЁНОТИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Совет кишиларининг космосни ўзлаштиришга киришиб, бу ишни муваффақиятли давом эттираётганликларига қаҳрамон халқимизнинг ижодий жасорати ҳамда Коммунистик партия белгилаб берган тарихий режаларни амалга ошириш туфайли эришилди.

Космонавт дўстларим Андриян Николаев ва Павел Поповичлар, Юрий Гагарин билан Герман Титов кетидан космосда группа бўлиб парвоз қилганидан буён бир йилдан камроқ вақт ўтди. Бугун мен Совет Ватанимиз бошлаб берган ишни давом эттиришдек катта шарафга муяссар бўлдим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетини, жонажон Совет ҳукуматини, Никита Сергеевич Хрушчевни, қадрдон ватандошларимни ишонтириб айтаманки, шу масъулиятли ва фахрли топшириқни шараф билан бажариш учун бутун кучимни, билим ва маҳоратимни сарф қиламан.

Жонажон юртимизда тезда дийдор кўришгунча!

## КОМСОМОЛНИНГ ТАБРИГИ

### КОСМОНАВТ УЧУВЧИ ПОДПОЛКОВНИК ВАЛЕРИЙ ФЕДОРОВИЧ БИКОВСКИЙГА

*Космик трассалардаги янги буюк жасорат ҳақидаги, Сизнинг «Восток-5» кемасида қилаётган қаҳрамонона парвозингиз ҳақидаги хабарни Ватанимизнинг йигит ва қизлари, йигирма бир миллион комсомоллар зўр хурсандчилик ҳислари билан кутиб олдилар. Советлар мамлакатининг ёшлари коммунистлар — Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриян Николаев, Павел Попович кетидан Ленин комсомолида тарбия олган, ВЛКСМ аъзоси Валерий Биковский космосга янги штурм қилаётганлиги билан фахрланмоқдалар. Сизнинг қаҳрамонона парвозингиз — совет ёшларининг Коммунистик партия ишига фидокорона садоқатини, унинг Ватанга бўлган фарзандлик муҳаббатини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир. «Восток-5» кемасининг парвозида совет фанининг Коинот сирларини очишдаги янги зафарини, социалистик системанинг капитализмдан устунлигини бутун дунё кўриб турибди.*

*Қадрли Валерий Федорович, барча совет ёшлари номидан ВЛКСМ Марказий Комитети Сизга қизғин салом йўллайди, белгиланган программани муваффақиятли тугаллаб, жонажон юртга омон-эсон қайтиб келишингизни тилайди.*

*Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!*

*Улуғ Советлар мамлакатига шон-шарафлар!*

*Ватаннинг содиқ фарзанди — космонавт учувчи, комсомол аъзоси Валерий Биковскийга шон-шарафлар!*

**Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг Марказий Комитети.**

## *Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ*

### *космонавт В. Ф. БИКОВСКИЙга радиограммаси*

«ВОСТОК-5» КОСМИК КЕМАСИНИНГ БОРТИ КОСМОНАВТ УЧУВЧИ УРТОҚ В. Ф. БИКОВСКИЙГА

АЗИЗ ВАЛЕРИЙ ФЕДОРОВИЧ!

КОСМИК ПАРВОЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНИШИ БИЛАН СИЗНИ ҚИЗҒИН ТАБРИКЛАЙМАН.

БИЗ СИЗНИНГ ПАРВОЗИНГИЗНИ ЗЎР ЭЪТИБОР БИЛАН КУЗАТМОҚДАМИЗ. ЎЗИНГИЗНИ ЯХШИ ҲИС ЭТИШИНГИЗНИ ВА ТОПШИРИҚНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШИНГИЗНИ ТИЛАЙМАН.

СИЗГА ЭНГ ЯХШИ ТИЛАКЛАР ЙУЛЛАЙМАН. ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗДА СИЗНИ ХУРСАНДЛИК БИЛАН ҚУЧАМИЗ.

Н. С. ХРУШЧЕВ

1963 йил 14 июнь.

## „ВОСТОК-5“ КОСМИК КЕМА БОРТИДАН

*Бешинчи космонавт Валерий Федорович Биковский Ер атрофини биринчи марта айланиб чиқаётганида Африка устидан учиб борар экан, кўп миллионли эрксевар Африка халқини қизғин табриклади.*

* * *

*Бешинчи космонавт Валерий Федорович Биковский Совет Иттифоқи территорияси устидан учиб борганида қуйидаги радиограммани юборди:*

*Коммунизм қурувчи қаҳрамон совет халқига, космосни ўзлаштириш пионерига алангали салом.*

*(ТАСС).*

## КОСМОНАВТ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

*Ер атрофини иккинчи марта айланиб чиқаётганида, Москва вақти билан соат 16,36 минутда бешинчи космонавт В. Ф. Биковский парвознинг қандай ўтаётганлиги ҳақида хабар қилди:*

*Москва, Кремль.*

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга маълум қиламан: ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман, кемадаги системалар нормал ишламоқда, парвоз муваффақиятли ўтмоқда. Менга кўрсатилган ишонч учун совет халқига, жонажон партияга ва ҳукуматга миннатдорчилигимни изҳор қиламан.*

*(ТАСС).*

## ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВГА ЖАВОБ РАДИОГРАММАСИ

Сизнинг телеграммангизни олиб ғоят ҳаяжонландим. Оталарча ғамхўрлигингиз учун Никита Сергеевич, Сизга чин қалбимдан ташаккур изҳор қиламан. Комсомолда тарбияланган менинг учун совет Ватанининг бундай фахрли топшириғини бажаришдан кўра юксакроқ шараф йўқ. Улуғ ленинчи партиямизнинг коммунисти бўлишни орзу қиламан.

Яхши тилаклар учун совет кишиларига чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Учиш программасини муваффақиятли бажариш учун ҳамма чорани кўраман.

Космонавт учувчи БИКОВСКИЙ.

# ХАЛҚ ОЛҚИШЛАМОҚДА

### *МЕҲНАТДА ЖАВЛОН УРАМИЗ*

Биз, СССР Главгазига қарашли 12-қурилиш бошқармасининг ишчилари бешинчи совет космонавти Валерий Федорович Биковскийнинг юксак парвози ҳақида Москвадан берилган хушхабарни қувона-қувона кутиб олдик. Халқимизнинг ана шундай улуғ кашфиётчилиги бизларни меҳнатда яна ҳам жавлон уришга отлантирди. Коллективимизнинг ишлари чакки эмас: ярим йиллик планни муддатидан илгари ўринлаб қўйдик. Улар бундан буён ҳам меҳнатда парвоз қилишга аҳд этдилар.

Меҳнат ва космос парвозлари кўпаяверсин! Бу парвозлар давримизга ярашадиган парвозлардир.

**Қ. КОМИЛОВ**
**автобаза ишчиси.**

### СИЗДАЙ УЧГИМ КЕЛАДИ

Валерий ака, менинг Сизнинг ёшингизга етишимга ҳали бир неча фасл бор. Лекин менинг ҳам сиздай баланд-баланд учгим, фазолар бағрини қучгим келади.

Мен сиздай шунқорлар мактабида ўқимаганман. Тошкентдаги маданий-оқартув техникумини тамомлаяпман. Яна бир неча кундан кейин иш жойига бораман, маърифат тарқатиш билан шуғулланаман. Демак, бу ҳам улуғ иш.

Парвозингиз бехатар бўлсин, акажон!

**Тўлавой РЎЗИМАТОВ**
студент.

### ҚУТЛУҒ, ВАЛЕРИЙ ЎҒЛИМ!

Кулоғим радиода эди: сенинг чархи-фалакка, етти қават осмонга кўтарилганлигинг тўғрисидаги хушхабар мени ҳадсиз тўлқинлантириб юборди. Бобокалонларимиз умри бино бўлиб, эртаклардаги учар гиламларда, дулдулларда ботирлар учганлиги ҳақидаги афсоналардан бошқа ҳеч нимани билмаганлар. Булар-ку, бир мубодиға, одам хаёлининг маҳсули эди. Энди кўриб турибмизки, барака топкур совет космонавтлари гоҳ битталаб, гоҳ қўшалоқ бўлиб, жуда-жуда парвоз қилишаяпти. Шуларнинг бири, ўғлим Валерий, сенга ҳам жуда қойилман. Сенга қанот берган партиямизга ҳам, ҳукуматимизга ҳам, халқимизга ҳам жуда қойилман.

Кеч тушиб келаётган эди. Колхозчиларимиз сенинг фазога учганлигингни эшитишиб, далада анчагача гурунг қилишди, кучларига-куч қуйилиб, чунонам ишлашди.

Азиз ўғлим, сизлар, совет космонавтлари фазода коммунизмга йўл очаяпсизлар, бизлар эса ерда деҳқончилигимиз билан коммунистик мўл-кўллик сари йўл очаяпмиз. Шуни ўйлаганингда беихтиёр фахрланиб кетасан, киши. Сендай учар одамлар замонида нуқул яшаворгинг келади.

Устимизда чарх уриб учабер Ерга қайтиб тушишингни интизор бўлиб кутувчи:

**Ғ. АБДУЛЛАЕВ**
**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.**

### ҚАНДИНИ УРСИН

Биз, «Электроприбор» заводининг қизлари Валерий Биковскийнинг ҳали расмини ҳам кўрмаганмиз. Лекин унинг шижоати, марди-майдонлиги ҳалитданоқ бизларни ўзига мафтун қилиб қўйди. Дугоналарим унинг Ердан жуда-жуда баландда, оқ булутлар устида, ёниқ сайёралар тагида учаётганлигини эшитганларида «қандини урсин!» дедилар.

Мен ва менинг дугоналарим — Мовлуда Назарова, Маҳфуза Абдураззоқовалар Валерийнинг жасоратига жавобан бор кучлари билан ишлайдилар.

**Н. РУСТАМОВА**
**завод ишчиси.**

### *ТАШАККУР*

Биз, совет қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш йўлида меҳнат қилаётган Ўзбекистон тракторсозлари космосга бешинчи марта парвозимиз билан ватандошларимизни ва замондошларимизни табриклаймиз. Ҳаммамиздан янги шунқоримиз Валерий Биковскийга минг-минг ташаккур!

Биз биламизки, кўкда учаётган ажойиб совет космик кемаларида ишчилар авлоди ижодкорларининг ғоят катта ҳиссаси бор. Улар ҳаво кемаларини ясасалар, бизлар деҳқончиликнинг пўлат отларини — тракторларни ясаб бермоқдамиз. Бу ишда ҳар қанча жонбозлик керак бўлса — тайёрмиз.

Тракторсозлар бешинчи парвоз шарафига янада унумли, янада тўкис ишлайдилар.

**С. ТЎЛАЕВ**
**Ўзбекистон трактор йиғув заводининг мастери.**

### КОММУНИЗМ ПАРВОЗИ

Мен ватандошимиз Валерий Биковский учганда дилимга келган бир гапни айтмоқчиман: бу ва бундан аввалги парвозлар коммунизм парвозининг дебочасидир. Бу парвоз бизда космос шунқорлари тобора кўпаётганлигига энг яхши далолат.

Коммунизм парвозлари ҳали яна кўп бўлишига имоним комил.

**Т. ОРТИҚОВ**
**милиция старший лейтенанти.**

## ЖАХОН ҲАЙРАТДА

**▲ НЬЮ-ЙОРК, 14 июнь. (ТАСС).** Америка информация агентликлари космонавт учувчи Валерий Биковский бошқараётган «Восток-5» совет космик кемаси учирилганлиги ҳақидаги хабарларни «молния» рубрикаси остида эълон қилдилар.

Совет космик кемаси Ер атрофидаги орбитага чиқди, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Москвадаги мухбири. Янги совет космонавти ўзини яхши ҳис қилмоқда, деб хабар беради ЮПИ агентлиги.

**▲ ТОКИО, 14 июнь. (ТАСС).** Япония радиоси ўз эшиттиришларини тўхтатиб, Совет Иттифоқида подполковник Валерий Федорович Биковский бошқараётган «Восток-5» космик кемаси учирилганлиги тўғрисида хабар берди. Хабарда «Восток-5» кемасини учириш муваффақиятли ўтди ва космонавт учувчи В. Ф. Биковский ўзини яхши ҳис қилмоқда, деб таъкидланади. Киодо Цусин агентлиги навбатдаги совет космонавтининг парвози ҳақидаги хабарни «шошилинч» белгиси остида тарқатди.

**▲ ПАРИЖ, 14 июнь. (ТАСС).** Совет космонавт учувчиси подполковник Валерий Биковский тушган «Восток-5» космик кемаси Совет Иттифоқида муваффақиятли учирилганлиги ҳақидаги хабар бутун Францияга яшиндек тез ёйилди, Франс Пресс агентлигининг телетайпи бир секунд жим бўлиб қолди ва ўзининг ҳамма эшиттиришларини тўхтатиб қўйиб, Совет Иттифоқининг космосни ўзлаштиришдаги янги ғалабаси тўғрисида «молния» сериясида Москвадан олинган хабарни берди.

**▲ ЛОНДОН, 14 июнь. (ТАСС).** Совет космонавт учувчиси подполковник В. Ф. Биковский бошқараётган «Восток-5» совет космик кемасининг учирилганлиги ҳақидаги хабар бутун Англияга яшин тезлигида ёйилди. Рейтер агентлиги совет космонавт учувчисининг парвози ҳақидаги биринчи хабарларни «молния» белгиси билан тарқатди.

# КОСМОС БАҲОДИРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

